



ISSN: 2181-9416

# YURIST AXBOROTNOMASI

ВЕСТНИК ЮРИСТА \* LAWYER HERALD

HUQUQIY, IJTIMOIY, ILMIY-AMALIY JURNAL



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ  
БИБЛИОТЕКА  
**e**  
LIBRARY.RU

## ФУҚАРОЛИК-ХУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК ШАКЛИ СИФАТИДА НЕУСТОЙКАНИ КАМАЙТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

ОДИНАЕВ Адҳам Саъдуллоевич

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси  
бошлиғининг ўринбосари в.б., ю.ф.ф.д., профессор  
E-mail: [a.odinayev85@gmail.com](mailto:a.odinayev85@gmail.com)

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ОДИНАЕВ А.С. Фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик шакли сифатида неустойкани камайтиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3 (2025) Б. 44–50.



3 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2025-2-15>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик шакли сифатида қўлланадиган неустойкани камайтиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижий мамлакатлар қонунчилиги ҳамда тажрибаси асосида таҳлил қилинган.

Неустойкани камайтириш учун суд шартномани бузишнинг барча оқибатларига баҳо бериши, уларни неустойка миқдори билан солишириши ва тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бўзиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турганини аниқлаши лозимлиги таъкидланган.

Шартномавий мажбуриятларни комплекс баҳолаш, қарздорнинг молиявий ҳолати ҳамда ҳақиқий зарарни ҳисобга олган ҳолда неустойкани камайтиришда адолат принципига асосланиб, томонларнинг манфаатларини мувозанатлаштириш ҳақида хуносалар берилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 326-моддасини такомиллаштириш бўйича таклифлар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** тадбиркорлик, қарздор, кредитор, мажбурият, жавобгарлик, неустойка, зарар, шартнома, зарарни қоплаш, неустойкани камайтириш.

## THEORETICAL AND PRACTICAL ASPECTS OF REDUCTION OF PENALTIES AS A FORM OF CIVIL LIABILITY

ADHAM Odinaev

Acting Deputy Head of the Law Enforcement Academy,  
Doctor of Law, Professor  
E-mail: [a.odinayev85@gmail.com](mailto:a.odinayev85@gmail.com)

### ANNOTATION

The article presents a theoretical and practical analysis of the reduction of penalties as a form of civil liability for non-performance of contractual obligations, based on the legislation and experience of foreign countries.

To reduce the penalty, the court must assess all consequences of the contract breach, compare them with the amount of the penalty, and determine that the penalty payable is evidently disproportionate to the consequences of the creditor's breach of obligation.

Conclusions are provided on the comprehensive assessment of contractual obligations, taking into account

the debtor's financial condition and actual damages, as well as on reducing penalties based on the principle of fairness to balance the interests of the parties.

At the same time, proposals for improving Article 326 of the Civil Code of the Republic of Uzbekistan have been put forward.

**Keywords:** entrepreneurship, debtor, creditor, obligation, liability, liquidated damages, damage, contract, compensation of damage, reduction of penalty.

## ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ УМЕНЬШЕНИЯ НЕУСТОЙКИ КАК ФОРМЫ ГРАЖДАНСКО-ПРАВОВОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ

**ОДИНАЕВ Адхам Саъдуллоевич**

Исполняющий обязанности заместителя начальника  
Правоохранительной Академии, доктор юридических наук, профессор  
E-mail: [a.odinayev85@gmail.com](mailto:a.odinayev85@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

В статье проведён теоретический и практический анализ уменьшения неустойки как формы гражданско-правовой ответственности за неисполнение договорных обязательств на основе законодательства и практики зарубежных стран.

Для уменьшения неустойки суд должен оценить все последствия нарушения договора, сопоставить их с размером неустойки и установить, что неустойка, подлежащая уплате, явно не соразмерна последствиям нарушения обязательств кредитора.

Даны выводы о комплексной оценке договорных обязательств с учётом финансового состояния должника и реального ущерба, а также о снижении неустойки на основе принципа справедливости с целью балансировки интересов сторон.

Вместе с тем, представлены предложения по совершенствованию статьи 326 Гражданского кодекса Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** предпринимательство, должник, кредитор, обязательство, ответственность, неустойка, ущерб, договор, возмещение ущерба, уменьшение неустойки.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар доираси ва қўлами кенгайиб бораётган шароитда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиласиган самарали ҳуқуқий механизmlарни яратиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Мажбурият ҳуқуқида шартнома интизомига риоя қилмаганлик учун неустойка қўллашга оид мавжуд қонунчилик фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлининг асосий шакли бўлган неустойкани камайтириш бўйича замонавий такомиллашувни талаб этади.

Неустойканинг “олдиндан белгиланганлиги”ни кўпгина цивилист олимлар эътироф этишган [1, Б.57-58]. Мажбуриятни бажармасликнинг салбий оқибатлари “олдиндан белгиланганлиги” неустойкага жавобгарликнинг ўзи сифатида эмас, балки унинг миқдорини аниқлаш учун база сифатида қараш учун асосдир [2]. Мажбурият бузилгунга қадар неустойка таъминлаш, мажбурият бузилган пайтдан бошлаб эса, жавобгарлик чораси сифатида амал қила бошлади.

Қадимги Рим ҳуқуқида неустойкага асосий мажбурият сифатида қаралиб, неустойка миқдорини камайтиришнинг бирон-бир асоси назарда тутилмаганлиги боис, неустойка фақат қарздорни жазолаш хусусиятга эга бўлган.

Франция фуқаролик ҳуқуқида неустойка заарларнинг умумий ҳисоб-китоби сифатида ишни судгача етиб боришини олдини олиш вазифасини бажарган.

Ҳатто суд ҳам шартномада кўрсатилган неустойкадан кам ёки ортиқ сумма белгилай олмаган, фақат 1975 йилга келиб, белгиланган неустойка миқдори ҳаддан ташқари кўп бўлган тақдирда, судга уни камайтириш яъни, шартнома мажбурият қисман бажарилган бўлса, неустойкани мажбурият қисман бажарилишидан кредитор кўрган фойда миқдорига мутаносиб равишида камайтириш ҳуқуқи берилган [3]. Мазкур ўзгартириш шартномавий неустойкани келишишида тарафларга берилган эркинлик суиистеъмол қилинишининг олдини олган.

Францияда шартномавий неустойка суд томонидан камайтирилиши ҳам, кўпайтирилиши ҳам мумкин бўлмаган. Неустойкани айнан бажариш (қўллаш)ни назарда тутувчи бу қоида [4] узоқ йиллар неустойкага нисбатан французча ёндашувнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлиб келган.

Наполеон кодекси қабул қилингунга қадар амалда бўлган Франция ҳуқуқи доктринасида (масалан, Потье [5, Б.180-190]<sup>1</sup>) шартнома бузилишининг амалдаги оқибатларига қараб неустойка камайиш томонга ҳам, кўпайиш томонга ҳам ўзгартирилиши мумкин, деган фикр илгари сурилган. Бироқ Франция Фуқаролик кодексини тузувчилар ушбу масалада, Пергамент таъбири билан айтганда, “ўзларининг одатдаги раҳбарлари” (бу ерда Потье назарда тутилади) га эргашишдан бош тортганлар ва неустойкага барқарор тус бериш мақсадида уни айнан қўллаш принципини Кодексда мустаҳкамлаганлар.

1832 йилдаги Россия Фуқаролик қонунлари тўпламида неустойкани қўллашнинг кумулятиви приципи [6] мустаҳкамланган. Неустойканинг ундирилиши асосий мажбурият ўз кучини сақлаб қолишига ва кредиторнинг зарарни тўлиқ қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига таъсир кўрсатмаган ва уни камайтириш учун асослар мавжуд бўлмаган [7].

Кейинчалик режали иқтисодиёт даврида корхоналар ўртасидаги муносабатларда неустойкани камайтиришга фақат фавқулодда ҳолларда йўл қўйилган [8].

УНИДРУА<sup>2</sup> [9] Халқаро тижорат шартномалари принципларига (7.4.13.-модда) кўра, агар неустойка амалда кўрилган зарар миқдоридан анча кўп бўлса, уни камайтиришга йўл қўйилади.

Фақатгина одиллик принципига мувофиқ, судга неустойка миқдорини камайтириш ҳуқуқи берилади. Масалан, Германияда суд неустойкани камайтиришни фақат муайян ҳолатларда амалга оширади, яъни:

- неустойка тўлашга мажбур қарздор бундай илтимос билан судга тўғридан-тўғри мурожаат этганда;

- неустойка миқдори кредиторнинг мулкий эмас, балки эътиборга лойик бўлган бошқа барча манфаатларини ҳам ҳисобга олганда ҳаддан ташқари катта бўлганда.

Эътиборлиси шуки, неустойка тўланганидан кейин, унинг миқдорини камайтиришга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон фуқаролик қонунчилигига биноан, неустойка етказилган зарарга номутаносиб бўлган тақдирда, мажбурият тижорат хусусиятига эгами ёки эга эмасми – бундан қатъи назар, суд неустойкани камайтириш ҳуқуқига эга. Аммо Германия фуқаролик ҳуқуқининг мазкур кўрсатмаси нақадар қаттиқ бўлмасин, неустойка билан таъминланаётган мажбурият савдо, тижорат фаолиятидан келиб чиқса, неустойка миқдори камайтирилиши мумкин

<sup>1</sup> Неустойкани айнан қўллаш қоидаси таниқли француз юристи Потье (Pothier) томонидан танқид қилиниши Франция фуқаролик ҳуқуқининг шакланишига ва уни кодекслаштириш жараёнига сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Потьенинг 1761 йилги “Мажбурият ҳуқуқи курси”да баён этилган ушбу танқид Е.Годэмэ томонидан тилга олинади ва М.Я.Пергамент асарида атрофлича таҳлил қилинади.

<sup>2</sup> УНИДРУА – Хусусий ҳуқуқни ягоналаштириш бўйича Халқаро институтининг қисқартмаси бўлиб, 1926 йил Римда ташкил этилган. Мақсади – хусусий ҳуқуқ соҳасида ягона қоидалар, нормалар ва принципларни ишлаб чиқиш, жаҳон мамлакатлари орасида ҳуқуқий интеграциони ривожлантиришидир.

эмаслиги ҳақидаги қоида немис доктринасида кенг талқин қилиниб, суд амалиёти шунга мос шаклланган.

Германия суд амалиётига кўра, кредитор неустойкани ундириш ҳуқуқига эга бўлиши учун кўрилган зарар ва унинг миқдорини исбот қилиши шарт эмас [10]. Неустойкадан ортиқ миқдорда зарар кўрган тақдирда, кредитор кўрилган зарарни минимал даражада қоплаш учун неустойка ундиришни талаб қилиши ва мавжуд фарқни қўшимча тарзда ундириши мумкин.

Кўрилган зарар неустойка миқдоридан оз бўлса, суд неустойкани “мос келувчи миқдоргача” камайтириши мумкин. Бу ерда суд неустойка миқдорини камайтиришни ўз ташаббуси билан амалга оширишга ҳақли эмас. Германия мажбурият ҳуқуқининг яна бир хусусияти шундаки, Германия Савдо тузугига мувофиқ, тадбиркорлар ўртасидаги муносабатларда неустойкани камайтиришга йўл қўйилмайди. Агар неустойканинг мажбуриятни бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турса, неустойка судда тарафларнинг инсофлилиги тўғрисидаги қоидаларни қўллаш йўли билан қайта кўрилиши мумкин [11]. Тижорат амалиётида неустойкани камайтиришга белгиланган тақиқ айни шу қоида ёрдамида четлаб ўтилади.

Англияда тарафлар шартнома тузиш пайтида танлаган таъриф (penalty ёки liquidated damages) амалда муҳим бўлса-да, лекин ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас [12]. Суд ишнинг барча ҳолатларини, шартномани таҳлил қиласи ва далиллар йиғиндисига баҳо берганидан кейингина мазкур шартнома шартини квалификация қиласи [13].

Бельгия Олий судининг қатор қарорларига мувофиқ, ҳаддан ташқари катта миқдордаги неустойка пасайтирилиши ёки ҳатто ҳуқуқий тартибот асосларига зидлиги туфайли ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин [14].

Нидерландия фуқаролик қонунчилигига биноан, агар адолатни қарор топтириш зарурияти тақозо этса, неустойка камайтирилиши мумкин [15]. Кўрилган зарарниг неустойка миқдоридан ортиқ қисмини ундиришга фақат оқилоналик ва одиллик талаблари шуни тақозо этган ҳолларда йўл қўйилади.

Хитойнинг 1999 йилда қабул қилинган “Контрактлар тўғрисида”ги Қонунида [16], агар кўрилган зарар жарима миқдоридан анча кам бўлган тақдирда, суд неустойкани камайтириши мумкинлиги белгиланган.

АҚШда неустойка тўғрисидаги келишувларда адолат принциплари қўлланилади. Агар неустойка қарздор учун ҳаддан ташқари катта бўлса, суд уни “excessive”<sup>3</sup> деб топиб, камайтириши мумкин. Масалан, Калифорнияда неустойкани камайтиришга оид ишларнинг 25-30 фоизида суд қарздор манфаатига қарор чиқаради [17].

Япония фуқаролик кодексида ҳам қарздор учун неустойка адолатсиз бўлса, суд уни камайтириш ҳуқуқига эгалиги кўрсатилган [18].

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 326-моддасида, агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турса, суд неустойкани камайтиришга ҳақли эканлиги назарда тутилган.

Бу ерда қўйидаги баҳс-мунозарали ҳолатларни ажратиш зарур:

неустойкани камайтириш мақсадга мувофиқлиги;

неустойка кимнинг ташаббуси билан камайтирилиши мумкинлиги;

қайси суд инстанциясида неустойкани камайтириш тўғрисида қабул қилиниши мумкинлиги;

неустойкани камайтириш учун етраги асослар мавдулиги;

қонуний неустойкаларни камайтириш мумкинлиги;

мазкур механизмнинг фавқулодда чора сифатидаги аҳамияти;

<sup>3</sup> Контекстга қараб, Excessive penalty – ҳаддан ташқари кўп (ортиқча, оширилган, мутаносибсиз) жарима, мутаносибсиз жарима

неустойкани камайтириш механизмининг бошқа ўхшаш институтлардан фарқи.

Суднинг неустойкани ўз ташаббуси билан камайтириш хуқуқи масаласида ривожланган мамлакатлар қонунчилиги яқдил эмас. Масалан, Францияда 1985 йилдан бошлаб судлар неустойкани мустақил равишда камайтириш хуқуқини олганлар, Германияда эса судлар бундай имкониятга эга эмас ва фақат иш бўйича тараф ушбу масалани кўтариши мумкин.

Бизда неустойкани ҳатто жавобгарнинг тегишли илтимоси бўлмаса ҳам суд камайтириши мумкин. Қонун мажбуриятни бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турган неустойкани шартномага киритишга рози бўлган эътиборсиз қарздорни ҳимоя қиласа экан, бу борада изчиллик кўрсатиш ва қарздор тегишли илтимос билан арз қилишни унутган бўлса, судда уни ҳимоя қилиш зарур. Бундан ташқари, бу ерда сўз ҳамиша ҳам “эътиборсиз” жавобгар ҳақида боравермайди. Баъзан жавобгарлар судда қарзнинг ҳосил бўлиш факти юзасидан низолашадилар ёки жавобгарликдан озод қилишни талаб этадилар (масалан, форс-мажкор ҳолатини исбот қиладилар) ва неустойка ёзилиши мумкин эмас деб ҳисоблаганлари туфайли неустойкани камайтириш тўғрисида илтимоснома билан арз қилмайдилар. Бундай вазиятда жавобгарнинг эътиrozларига қарамай, суд даъвогарни қўллаб-қувватлаши ва неустойка ундириш тўғрисидаги қарорни ҳатто неустойкани камайтириш имкониятини муҳокама қилмасдан чиқариши мумкин. Суд неустойка ундириш тўғрисида қарор чиқариш пайтида неустойка миқдорининг кўрилган зарар билан мувофиқлигини ўз ташаббуси билан текширади ва зарур ҳолда унинг миқдорини оқилона деб топилган даражагача камайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 326-моддасига асосан, қонун чиқарувчи неустойка мажбуриятни бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турган ҳолда шундай асослар мавжуд бўлишини кўрсатиш орқали бир қарашда анча содда йўлдан борган.

Ғарб мамлакатлари фуқаролик қонунчилигининг неустойкани камайтириш мезонлари тўғрисидаги нормалари билан таққослаганда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 326-моддаси улардан сезиларли даражада фарқ қиласи, чунки жуда муҳим бир мезонни белгилайди. Неустойка миқдори мажбуриятни бузиш оқибатлари билан мутаносиб бўлиши лозим.

Шунингдек, Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 333-моддасида, шартномада белгиланган неустойкани ундириш кредиторнинг асоссиз фойда олишига олиб келиши мумкинлиги исботланганда, шартнома билан белгиланган ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланувчи шахс томонидан тўланадиган жарима миқдорини камайтиришга истисно тариқасида йўл қўйилиши кўрсатилган [19].

Шундай қилиб, неустойкани камайтириш асослари тўғрисида баён этилган фикр-мулоҳазалардан неустойкани камайтириш учун суд шартномани бузишнинг барча оқибатларига баҳо бериши, уларни неустойка миқдори билан солишичилиши ва тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турганини аниқлаши лозим, – деган хulosага келиш мумкин. Бироқ неустойка миқдори қонунда мустаҳкамланган экан, у ошириб белгиланган, ҳаддан ташқари катта ёки номутаносиб бўлиши мумкин эмас.

Неустойкани камайтириш бўйича олимлар фикри ва халқаро тажрибадан келиб чиқиб қўйидаги хulosага келиш мумкин:

неустойкани камайтиришда қарздорнинг молиявий ҳолати ҳамда ҳақиқий зарар ҳисобга олиниши керак;

судлар неустойкани камайтиришда адолат принципига асосланиб, томонларнинг манфаатларини мувозанатлаштириши лозим;

неустойкани камайтириш суд орқали амалга оширилиши ва қарздорнинг ҳолати, кредиторнинг манфаатлари ҳамда шартномавий мажбуриятлар комплекс баҳоланиши зарур;

молиявий аҳвол ва мажбуриятнинг бажарилиш даражасини ҳисобга олиш неустойканиadolатли ва мақсадга мувофиқ равишда камайтириш имконини беради;

неустойкани камайтиришда қарздор ва кредиторнинг манфаатларини тенг эътиборга олиш қонунийлик ва ижро этиш жараёнидаги муаммоларни камайтириради;

суд қарздор ва кредиторнинг айбларини таққослаб кўрган ҳолда неустойкани тегишли ҳажмда камайтириши мумкин.

Таҳлиллардан келиб чиқсан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 326-моддаси умумий ва мавхум тарзда ифодаланганилиги, унда ноаниқ ва аниқлаш имкони бўлмайдиган талаб ва тартиб белгиланганидан келиб чиқиб, уни қуидаги таҳрирда ифодалаш таклиф этилади:

“Агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турса, суд неустойкани камайтиришга ҳақли.

Суд қарздор ва кредиторнинг манфаатларини ҳисобга олиб, дастлаб белгиланган неустойкани кўпи билан ярмигача камайтириш ҳуқуқига эга.

Неустойка билан таъминланаётган мажбурият савдо, тадбиркорлик фаолиятидан келиб чиқса, неустойка миқдори камайтирилиши мумкин эмас, агар мажбурият тадбиркорлик фаолияти субъекти томонидан бузилган бўлса, неустойкани камайтириш тўғрисида қарздор томонидан ариза берилган ҳолдагина суд неустойкани камайтириши мумкин.

Шартномада белгиланган ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган шахс томонидан тўланиши лозим бўлган неустойкани камайтиришга шартномада назарда тутилган неустойкани ундириш кредитор томонидан асоссиз бойлик орттиришга олиб келиши исботланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Неустойка тўланганидан кейин унинг миқдорини камайтириш ёки тўланган неустойкани қайтариб олиш фақат суд тартибида амалга оширилади.

Неустойка миқдорини камайтиришга суд ишларини юритишнинг барча босқичларида йўл қўйилади.

Ушбу модданинг қоидалари қарздорнинг ушбу Кодекснинг 335-моддаси асосида жавобгарлик ҳажмини камайтиришга бўлган ҳуқуқига ва кредиторнинг ушбу Кодекснинг 325-моддасида назарда тутилган ҳолларда зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига таъсир қилмайди”.

#### Иқтибослар/Сноски/References:

- Гражданское право / Отв. ред. Е.А. Суханов. –М., 2000. Т.2.
- Гришин Д.А. Неустойка: современная теория // Актуальные проблемы гражданского права. Вып. 2. –М: 2000. – С. 125.
- Комаров А.С. Ответственность в коммерческом обороте. –М., 1991. – С. 147.
- Фуқаролик ишлари бўйича палатанинг 1940 йил 23 майдаги ажрими. Морандьер Л.Ж. Гражданское право Франции: Пер. с фр. Е.А. Флейшиц. Т.2. –М., 1960. – С. 341.
- Годэмэ Е. Общая теория обязательств: Пер. с фр. И.Б. Новицкого. –М., 1948. – С. 396; Пергамент М.Я. Договорная неустойка и интерес. –М., 1905.
- 6. Кумулятив принцип** – бу ҳуқуқий ёки бошқа соҳаларда қўлланиладиган асосий қоидалардан бири бўлиб, бир неча талаб, шарт ёки мезонлар бирга, тўпланиб қўлланилиши ёки амалга оширилишини англатади.
- Победоносцев К.П. Курс гражданского права. Т.3. –М., 2003. – С. 253.
- Вильнянский С.И. Лекции по советскому гражданскому праву. –Харьков: 1958. – С. 326.
- Международный институт унификации частного права, сокращённо УНИДРОИТ; Источник // URL: <https://ru.wikipedia.org>.

10. Германия Олий судининг 1974 йил 27 ноябрдаги қарори.
11. Principles of European Contract Law. Part I and II. Prepared by the Commission on European Contract Law. Edited by O. Lando and H. Beale // Kluwer Law Int., The Hague, 2000. P. 456.
12. Beatson J. Anson's Law of Contract. N.Y., 1998. P. 587.
13. Treitel G.H. The Law of Contract. L., 2003. P. 1000.
14. Principles of European Contract Law. Parts I & II. Edited by O. Lando & H. Beale. 2000. P. 456.
15. Hartkamp A.S., Tillemann M.M.M. Contract Law in the . Hague, 1995. P. 94.
16. Wang K.H. Chinese Commercial Law. South Melbourne. Australia, 2000. P. 74.
17. Калифорния штати Апелляция судининг иккинчи апелляция округи материалларидан. In the court of appeal of the state of California second appellate district division four. // URL: [https://law.justia.com/cases/california/court-of-appeal/2017/b271240.html?utm\\_source](https://law.justia.com/cases/california/court-of-appeal/2017/b271240.html?utm_source).
18. Гражданский кодекс Японии (принят в 1896 г., в ред. от 2023 г.) // URL: <https://mm.ru/product/grazhdanskij-kodeks-yaponii-3510244?skuld=9399925>.
19. Гражданский кодекс РФ (часть первая) от 30.11.1994 N 51-ФЗ (ред. от 31.07.2020) // URL: <http://stgkrf.ru/>; // <https://zakupki.kontur.ru/site/articles/54744>.

**YURIST AXBOROTNOMASI**  
3-SON 5-JILD

**ВЕСТНИК ЮРИСТА**  
НОМЕР 3, ВЫПУСК 5

**LAWYER HERALD**  
VOLUME 5, ISSUE 3

ISSN 2181-9416  
DOI JURNAL: 10.26739/2181-9416